ISSN 2091 – 5616

AGRO ILM

2(40)-SON, 2016



АРЧА УНСИМОН ҚУРТИГА ҚАРШИ НЕОНИКОТИНОИД ГУРУҲИДАГИ ПРЕПАРАТЛАРНИНГ САМАРАСИ

In th given article bioecological features of mealybug, main invader of juniperus Virginiana u sed for gardening in Uzbekistan are studied and usage efficiency of pesticides imidoklopid, 35% em.c.(emulsion consentrate) and agrovital, 20% c. s., against this in vader is determined.

Ҳозирги кунда арча унсимон қуртининг кенг тарқалишининг олдини олиш учун ўсимликларни ҳимоя қилишни кучайтириш; самарали кураш чораларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ қилиш; кўча, сайлгоҳ, хиёбон ҳамда дам олиш масканларининг кўркига- кўрк қўшиб, одамларга эстетик завқ бағишлаб турган, атмосферанинг мусаффолигини таъминлашда беқиёс ўрин тутувчи арчазорларни сақлаб қолиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда арча унсимон қурти сўнгги 4-5 (2011) йиллан бошлаб кўпгина вилоятлар ҳудудларига тарқала бошлади. Ушбу зараркунанданинг личинка ва урғочилари етук зотлари арчанинг новда ва барглaридаги суюқликни сўриб зарар етказади. Унсимон қурт – Pseudococcus vovae тенг қанотлилар – Homoptera туркумига киради. Зараркунанда айниқса, дарахт барглари кучли зарарлайди. Натижада барглар қорайиб, ўсимлик қувватсизланади. Зарарланган барглардан ажралган ширада турли хил микроорганизмлар ривожланиб, уларни қорайтиради, ҳатто дарахтларни бутунлай қуритиб қўйиши мумкин.

Унсимон қуртнинг катталиги 2 – 3 мм бўлиб, урғочиси қанотсиз, ранги сарғиш, жигарранг, қизғиш ва кулранг тусда, ўзига хос ясси шаклга эга бўлади. Эркак зотлари апрель – май ойларида пайдо бўлади, катталиги 1,2 – 1,5 мм, бир жуфт чўтсимон мўйловлари мавжуд. Унсимонлар турли ҳаётий шаклларда қишлайди (тухум, личинка, етук зот). Йил давомида 3 – 4 авлод бериб кўпаяди. Тадқиқотларимизга кўра, унсимон қуртнинг қишловдан чиқиши Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти шароитида март ойининг ўрталарига тўғри келди.

Арча унсимон қуртига қарши кураш бирмунча мураккабликка эга. Айниқса, шаҳарларда аҳоли кўп истиқомат қиладиган жойларда кимёвий препаратларни ишлатиш чегараланган. Чунки кимёвий препаратни қўллашда санитария қонун-қоидаларига риоя қилинмаса, инсонларнинг саломатлиги хавф остида қолади.

Тажрибаларимиз Ўзбекистон ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти ҳудудидаги арчаларда олиб борилди.

Тажрибада Имидоклоприд, 35% к.с., препарати назоратга нисбатан икки хил сарф – меъёрларда (0.4 - 0.6 л/га), (10л сувга, 4- 6 мл) қўлланилди. 9 – кун ҳисоб-китоб ишлари олиб борилди. Таҳлилларга қараганда, инсектицидлардан юқори биологик самардорликка эга эканлиги аниқланди. Яъни, Имидоклоприд, 35% к.с., препарати 0,4 л/га сарф – меъёрда қўлланилганда 3 – ҳисоб кунда 36,2% ни, 6 – кунда 80,1% ни ва 9 – кунда, 86,5% ҳамда 0,6 л/га сарф-меъёрда қўлланилганда эса ҳисоб кунларининг 3 – кунида 47,7%ни, 6 – кун эса, 84,5%ни, 9 – ҳисоб кунда 95,3% биологик самарадорлик кузатилди.

Агровитал, 20% эм.к. "Selectex Limited" ХХР (Хитой)да ишлаб чиқарилган таъсир этувчи моддаси имидоклоприд бўлиб, препаратни икки хил сарф – меъёрларда арча унсимон қуртига қарши қўлланилганда қуйидаги натижаларга эришилди.

Агровитал, 20% эм.к. препаратини 0,5 л/га (10л сувга 5мл) ҳисобида қўлланилганда 3 – ҳисоб кунида 33,6% ни, 6 – кун ҳисоб кунларида [illegible] 83,7% биологик самарадорлик [illegible] ва бўлиб [illegible]

Препаратни [illegible] л/га (10л сувга 8мл) сарф – меъёри қўлланилган 9 кун ҳисоб ишлари ўтказилди.

Хулоса қилиб айтганда арча унсимон қуртига қарши Имидоклоприд, 35% к.с. препарати [illegible] га меъёрда қўлланилганда 95,3%, Агровитал, 20% эм.к. препарати 0,8 л/га сарф – меъёрда 95,5% қониқарли самарага эга бўлди. Ушбу препаратларни арча унсимон қуртларига қарши юқорида келтирилган сарф – меъёрларда қўллаш мақсадга мувофиқ.

Арча унсимон қуртига қарши кимёвий препаратларнинг биологик самарадорлиги (Ўз ЎҲҚИТИ, ҳудудидаги арчаларда ўтказилган тажрибалар 9.07.2015 й. К – 45 моторли пуркагичда,1000л сув ҳисобида)

№	Вариантлар	Таъсир этувчи модда-си	Сарф - меъёри л/га	20 см новдада қуртлар сони, дона					Биологик самарадорлик кунлар бўйича, %			
				Дори сепилгача	Дори сепилгандан кейинги кунларда							
					1	3	6	9	1	3	6	9
1.	Имидоклоприд, 35% к.с. (ф. Neointegral, " Himoya")	Имидо-клоп-рид	0,4	41,75	-	29,6	10,2	7,8	-	36,2	80,1	86,5
			0,6	44,75	-	25,6	8,5	2,9	-	47,7	84,5	95,3
2.	Агровитал, 20% к.э. (Селлтех Лимитид ХХР)	Имидо-клоп-рид	0,5	42,76	-	31,1	13,9	9,7	-	33,6	73,4	83,7
			0,8	51,78	-	26,2	9,1	3,2	-	53,7	85,7	95,5
3.	Назорат (ишловсиз)		-	49	-	53,6	60,1	68,2	-	-	-	-
	$ЭКФ_{05}$		-	-	-	-	-	-	-	2,4		

З.НАФАСОВ
ЎзЎҲҚИТИнинг илмий ходими
Ш.МУҚУМОВ
ТДАУ магистранти

АДАБИЁТЛАР

1. *Нафасов З.Н. /Арча ва қарағай дарахтлари зараркунандаларига қарши самарали препаратлар синовда. // Ўз Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва карантини № 4 2014. 24 б.*
3. *Ўзбекистон Республикасида ишлатиш учун рухсат этилган ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари рўйхати. [illegible]*
2. *Хўжаев Ш.Т. Инсектицид, акарицид, биологик фаол моддалар ва фунгицидларни синаш бўйича услубий кўрсатмалар Тошкент, 2004. – 103 б.*